

- ⊕ тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш, инвестицияларни рағбатлантириш ва маҳаллий тадбиркорликни қўллаб-куватлаш орқали ҳар бир худудда жозибадор сармоявий муҳитни шакллантириш;
- ⊕ маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун худудий даражада инвестицияларни рағбатлантириш агентликларини ташкил этишга кўмаклашиш;
- ⊕ минтақавий хукуматлар ўртасида тегишли иқтисодий маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва алмашишни рағбатлантириш ва асосланган қарорлар қабул қилиш ва далилларга асосланган сиёсатни ишлаб чиқиш;
- ⊕ маҳаллий ҳамжамиятларни, бизнесни, фуқаролик жамияти ташкилотларини ва бошқа манфаатдор томонларни ривожланиш ташаббуслари ва маҳаллий эгалигини таъминлаш учун қарорлар қабул қилиш жараёнига жалб қилиш.
- ⊕ ҳар бир минтақада марказлашмаган иқтисодиётни бошқаришнинг ривожланиши ва таъсирини баҳолаш учун мустаҳкам мониторинг ва баҳолаш тизимини жорий этиш ва баҳолаш натижаларидан яхшиланиш соҳаларини аниқлаш ва стратегияга далилларга асосланган тузатишлар киритиши;
- ⊕ экологик тоза ва ижтимоий инклузив иқтисодий ўсишни рағбатлантириш учун барқарор ривожланиш тамойилларини минтақавий ривожланиш стратегияларига интеграциялаш;
- ⊕ муваффақиятли тажрибаларни ўрганиш ва самарали стратегияларни такрорлаш учун минтақалар ўртасида билим ва илғор тажриба алмашишга кўмаклашиш;
- ⊕ миллий ривожланиш устуворликларини минтақавий стратегиялар билан мувофиқлаштириш учун марказий, минтақавий ва маҳаллий бошқарув органлари ўртасида самарали мувофиқлаштириш ва ҳамкорликни таъминлаш.

КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИ СОЛИҚА ТОРТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

*У. М.Атақулов, мустақил изланувчи
Солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институти*

Кўчмас мулк объектларини солиқка тортишда кўплаб хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан ўзларининг илмий-назарий қарашларини илгари сурғанлар. Олимлар томонидан кўчмас мулк объектларини солиқка тортиш орқали маҳаллий бюджет даромадларининг бажарилиши ва пиравардида аҳолининг ижтимоий муносабатларда муҳим рол ўйнашини таъкидалаб ўтганлар. Уларнинг тадқиқотларида халқаро тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда кўчмас мулк объектларига солиқ солиш, солиқ механизмини такомиллаштириш, солиқ тизимини ислоҳ қилиш, имтиёзларнинг қўлланилиши масалалари ўз аксини топган.

Фикримизча, бугунги кунда мамлакатимизда кўчмас мулк объектларига солиқ солиш тизимини ислоҳ қилиш жараёнида, кўчмас мулк солиғини

амалиётга муваффақиятли қўллаётган хорижий давлатларнинг илгор тажрибаларини ўрганиш ва амалиётга жорий қилиш мухим аҳамият касб этади.

Шу сабабдан, кўчмас мулк обьектларини солиққа тортиш борасида кўплаб хорижий олимларнинг фикрларини, илмий қарашлари ва изланишларини ўрганиш ва тадқиқот ишида фойдаланиш, солиштириш ва қиёсий таҳлил олиб бориш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолади.

Иқтисодчи олимлардан Ж.Малменинг фикрича дастлаб ўтиш иқтисодиётига эга малакатларнинг кўпчилигида кенг қамровли базага эга бўлган, ҳар қандай асосий воситаларни солиққа тортишга қаратилган мол-мулк солиғи амал қиласди. Кейинчалик бундай малакатларнинг аксарият қисми кўчмас мулк солиғига ўта бошлади¹²⁶.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси ҳам айнан шу босқичдан ўтаётганлиги ва кўчмас мулк солиғи амал қиласидан давр бўсағасида турганлигини олиб борилаётган ислоҳатлар натижаси ўлароқ ҳис қилишимиз мумкин.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида ҳам кўчмас мулк обьекти ҳисобланган ер майдонлари йилдан-йилга бозор баҳосига яқинлаштириш мақсадида нархи ва солиқ солиши ставкалари кўтарилиб, маҳаллий бюджетни тўлдиришда асосий роль ўйнамоқда.

Сўнги йилларда кўчмас мулк саноатида уй-жой нархи тоборо ортиб бораётгани, экин майдонларининг йўқолиб бораётганлиги, шаҳар ва қишлоқ жойлари ўртасидаги солиқ солища номутаносиблиги кузатилмоқда. Бу масалалар бизни кўчмас мулк обьектларида солиқ ҳисоблашни ислоҳ қилишга унади.

Рус олимлари Ж.Голодова ва Ю.Голодоваларнинг таъкидлашича, илмий баҳс-мунозараға сабаб бўлаётган яна бир масала бу ер солиғи ва бино-иншоотлар учун солиқнинг ягона моделига ўтиш ва мазкур обьектларни ягона солиқ орқали солиққа тортиш ҳисобланади¹²⁷.

Муллифлар ер солиғи ва бино-иншоотларга солиқ ҳар хил солиқ турлари сифатида қолишининг тарафдори эканлигини билдиради.

Фикримизча, бир қарашда бундай ёндошув эскича ёндошувга ўхшайди. Сабаби, тарихий нуқтаи назардан эътибор қаратиладиган бўлса, ер ҳамиша ишлаб чиқаришнинг асосий ва ҳатто кўп ҳолларда ягона манбаи бўлиб келган. Куриладиган бино ва иншоотлар эса ёрдамчи вазифасида бўлиб келган. Шу сабаби ҳам солиқ фақат ер учун амал қилган.

Иқтисодчи олимларимиздан И.Ниязметов Ўзбекистонда маҳаллий бюджетлар молиявий имкониятларини кенгайтириш, уларнинг мунтазам ва ишончли солиқ базасини шакллантириш, солиқ маъмурчилиги самарадорлигини ошириш ҳамда умумбелгиланган солиқ режимини янада ихчамлаштириш

¹²⁶ Malme Jane H. and. Youngman Joan M. eds., The Development of the Property Tax in Economies in Transition, WBI Learning Resources Series (Washington: World Bank, 2001).

¹²⁷ Голодова Ж.Г., Голодова Ю.С. Транформация налога на имущество физических лиц в России: предпосылки и направления. Финансы.2010.№3

мақсадида, мол-мулк ва ер солиқларини бирлаштириб, босқичма-босқич күчмас мулк солиғига ўтиш таклифини илгари сурган¹²⁸.

Шунингдек, таклифларида күчмас мулк солиғининг механизми юридик ва жисмоний шахслар учун бир хил бўлиши лозимлиги таъкидланган. Мулкни солиққа тортиш тизимини максимал даражада унификациялаш учун, амалдаги юридик шахслар учун алоҳида, жисмоний шахслар учун алоҳида ўрнатилан тартиб-қоидалардан мутлоқо воз кечиш зарур. Чунки, айнан шундай механизм, мулк солиғи юкини камайтириш мақсадида тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳар хил “ўйин”ларни ўйлаб топишга сабаб бўлаётганлиги таъкидланган.

Бизнинг фикримизча иқтисодчи олим И.Ниязметовнинг илгари сурган таклифлари илмий таҳлилларимиз ва назарий мушоҳадаларимиз доирасида эканлиги, күчмас мулк солиғини жорий этиш ва амалга ошириш юзасидан ҳуқуқий механизм яратилганлиги қувонарли ҳол албатта.

Амалга оширилган таҳлил ва тадқиқотлар натижасида қуйидаги хуносаларга келинди:

-давлатимизда олиб борилаётган ислоҳотларга мос равища иқтисодчи олимларнинг илмий-назарий изланиzlари оқибатида күчмас мулк обьектларини солиққа тортишда қатор ижобий ўзгаришлар амалга ошириб келинмоқда. Бугунги кунда амалда бўлан мол-мулк ва ер солиқлари маҳаллий бюджетни тўлдиришда кичик тизим сифатида, хусусан күчмас мулк обьектларини солиққа тортишда юзага келадиган муносабатларни ўзида акс эттиришга;

-күчмас мулк обьектларини солиққа тортишда күчмас мулк солиғини жорий этиш орқали күчмас мулк солиғини тўлиқ ва ўз вақтида маҳаллий бюджет даромадаларини оширишга хизмат қилиши билан чегараланмаслиги, балки аҳоли турмуш даражасини ҳамда тўлов қобилиятини оширишга;

-хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг илмий-назарий ўрганишлари шуни кўрсатадики, күчмас мулкни солиққа тортиш тизими қўпчилик мамлакатларда узоқ вақтдан бўён муваффақиятли амалга оширилишига ва маҳаллий бюджетнинг мустақиллигини таъминлашга хизмат қиласи.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

Malme Jane H. and. Youngman Joan M. eds., The Development of the Property Tax in Economies in Transition, WBI Learning Resources Series (Washington: World Bank, 2001).

Голодова Ж.Г., Голодова Ю.С. Транформация налога на имущество физических лиц в России: предпосылки и направления. Финансы.2010.№3

И.М.Ниязметов Солиққа тортиш механизmlарини такомиллаштириши орқали солиқ тизими барқарорлигини таъминлаш. Иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент 2018.

¹²⁸ И.М.Ниязметов Солиққа тортиш механизmlарини такомиллаштириши орқали солиқ тизими барқарорлигини таъминлаш. Иқтисодиёт фанлари доктори(DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.